



SOURCES OF HADĪTH QUDSĪ

Turaev Numonjon Nasibjonovich

International Islamic Studies Academy of Uzbekistan
Associate Professor of the Department of Islamic Studies and Islamic
Civilization ICESCO, Ph.D. numonjon.turaev@mail.ru

Mahmujonov Muhammadkadir Mahamadali ugli

Student of the International Islamic Studies Academy of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15631738>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2025

Accepted: 09th June 2025

Online: 10th June 2025

KEYWORDS

Hadīth qudsī, Qurʻān, prophetic hadīth, sunnah, muhaddis, narration, mysticism, spiritual education, collections of hadīths qudsī sanad, meaning and word, divine word.

ABSTRACT

This article analyzes the scientific definition of the concept of "Hadīth qudsī", which plays an important role in hadīth studies, its differences from the hadīth of the Prophet and the Holy Qurʻān, forms of narration, and the attitude of hadīth scholars and modern researchers towards it. Also, the sources that collected and commented on these hadīths are grouped, their classification and content areas are analyzed. The article shows the place of hadīth qudsi among the sources of Sunnah, their use as jurisprudential evidence, the scope of topics, and their different numerical evaluations on a scientific basis.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ МАНБАЛАРИ

Тўраев Нўмонжон Насибжонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломушунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси доценти, т.ф.PhD
numonjon.turaev@mail.ru

Маҳмуджонов Муҳаммадқодир Маҳамадали ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15631738>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2025

Accepted: 09th June 2025

Online: 10th June 2025

KEYWORDS

Ҳадиси қудсий, Қуръон, ҳадиси набавий, суннат, муҳаддислар, ривоят, тасаввуф, маънавий тарбия, қудсий ҳадислар тўпламлари, санад, маъно ва лафз, илоҳий сўз.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳадисушуносликда муҳим ўрин тутадиган «ҳадиси қудсий» тушунчасининг илмий таърифи, унинг ҳадиси набавий ва Қуръони каримдан фарқли жиҳатлари, ривоят қилиш шакллари ҳамда унга нисбатан муҳаддислар ва замонавий тадқиқотчилар муносабати таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур ҳадисларни жамлаган ва шарҳлаган манбалар туркумлиниб, уларнинг таснифи ва мазмуний йўналишлари таҳлил этилади. Мақолада ҳадиси қудсийларнинг суннат манбалари ичидаги ўрни, фикҳий далил сифатида қўлланиши, мавзулар қамрови ва ададий жиҳатдан турлича баҳоланиши илмий асосда кўрсатиб берилган.



Ҳадислар ислом таълимоти, унинг ахлоқий тамойилларига асос бўлиб, Қуръондан кейинги ўринда турувчи манба ҳисобланади.

Ҳадис матни кимнинг сўзи сифатида талқин қилинишига қараб «қудсий» ҳамда «набавий» турларга бўлинади.

«Ҳадиси қудсий» атамаси икки тушунчанинг жамланмасидан пайдо бўлган. Хусусан, «қадим» сўзининг зидди бўлиб, луғатда «сўз», «хабар» ҳамда «янги» маъноларини ифодаловчи «ҳадис» сўзи билан, «пок», «муқаддас» деган маъноларни англатувчи «қудс» сўзининг бирикишидан юзага келган¹.

«Ҳадис» ва қудс сўзларини умумлаштирсак, «ҳадиси қудсий» — «пок сўз» ёки «муқаддас сўз» маъноларини англатади. Ҳадиси қудсий «ҳадиси илоҳий», «ҳадиси раббоний» деб ҳам аталади².

«Ҳадиси қудсий» атамасига Муҳаммад Аввома қуйидагича таъриф берган: «Ҳадиси қудсий Муҳаммад (с.а.в.)нинг Аллоҳдан ривоят қилган ҳар бир очиқ-ойдин гапидир»³. Муҳаддиснинг таъкидлашича, ушбу таърифнинг асли Абдуллоҳ Сирожиддиннинг «Шарҳ ал-манзума ал-байқунийя»сида мавжуд бўлиб, унда ҳадиси қудсий «Набий (с.а.в.) Аллоҳ таолодан ривоят қилган сўзлардир» деб баён қилинган.

Мазкур таъриф шарҳида, олим ҳадислар орасидан фақат «Аллоҳнинг сўзлари» ҳадиси қудсий бўла олишини, «феъли», яъни иш-ҳаракатига доир ривоятлар бундай бўла олмаслигини қайд қилади. Шунга кўра, Имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» тўпламидаги «Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аллоҳ таоло марҳаматни юз бўлак қилиб яратди-да, ундан тўқсон тўққиз бўлагини ўзида қолдириб, бир бўлагинигина ер юзига туширди. Мана шу бир бўлак раҳмат билан ҳамма махлуқотлар бир-бирига раҳм қилишади, ҳатто от ҳам ўз тойчоғига тегиб кетмасин деб аяб, оёқларини юқорига кўтариб туради», деган сўзларини эшитдим»⁴, деган ривоят «ҳадиси қудсий» ҳисобланмайди. Чунки, унда Аллоҳнинг сўзи эмас, феъли ҳақида хабар берилмоқда.

Шу билан бирга, «менга ваҳий қилинди», «нидо қилувчи нидо қилди» деб бошланган ҳадислар қудсий бўла олмайди. Балки, «Аллоҳ менга ваҳий қилди», «Аллоҳ Иброҳимга ваҳий қилди», «Аллоҳ Мусога ваҳий қилди» каби аниқ нисбатда нақл қилинган ҳадислар қудсий бўлади. Демак, Муслим ривоят қилган «Албатта, Аллоҳ менга тавозели бўлинглар, деб ваҳий қилди. (Бундан умматим таълим олиб) ҳеч бир киши бошқа кишига фахрланмасин ва ҳеч бир киши бошқа кишига душманлик қилмасин», деб айтдилар», «ҳадиси қудсий» ҳисобланади.

Таъкидлаш зарурки, мазкур таърифдан Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бошқа киши нақл қилган хабарларнинг қудсий ҳисобланмаслиги ҳам англашилади. Муҳаммад Маданийнинг «Ал-Итҳофот ас-сания» китоби охирида келтирган ҳадис бунга мисол бўлади. Умар ибн Хаттоб (р.а)дан ривоят қилинади: «Менга айтиб берилган ҳадислардан бирида: Мусо ёки Исо: «Эй Раббим, яратган бандаларингдан рози бўлишинг белгиси

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Тошкент: ҲилолНашр, 2021. – Б. 235.

² Шайх Нуриддин Холиқназар. Раббоний нидолар- Тошкент:Ҳилол Нашр,2023– Б.4.

³ Муҳаммад Аввома. Мин сиҳоҳ ал-аҳодис ал-қудсийя. – Жидда: Дор ал-қалам ли ас-сақофа ал-инсонийя, 1997. – Б.7.

⁴ Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 86.



нима?' деб сўрадилар. Аллоҳ: «Дехқончилик вақтида уларга ёмғир ёғдиришим...», деди»⁵. Бу ривоят «ҳадиси қудсий» ҳисобланмайди.

Шунингдек, саҳобанинг самовий китоблардан ривоят қилган сўзи ҳам «ҳадиси қудсий» бўлмайди. Бунга Имом Бухорийнинг Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан Набий (с.а.в.)нинг сифатлари ҳақида ривоят қилган ҳадиси мисол бўлади: «Аллоҳга қасамки, у зот Қуръондаги баъзи сифатлари билан Тавротда ҳам васф қилинганлар...»⁶.

Расулulloҳ фаришталарнинг биридан ёки Жаброилдан келтирган ривоятлари ҳам ҳадиси қудсий ҳисобланмайди. Ваҳийнинг бошланиши ҳақидаги ҳадис бунга мисол бўлади.

Бошқа тадқиқотчилар «ҳадиси қудсий»га фарқли таъриф берганлар. Масалан, ҳадиси қудсийлар «лафзи Расулulloҳ (с.а.в.)дан ҳамда маъноси Аллоҳдан бўлган ривоятлар»дир. Ушбу таъриф аввалгисидан умумийроқ бўлиб, ривоят қилинаётган хабар сўз бўладими ёки феълми, аниқ нисбатдами ёки мажхул нисбатда, Расулulloҳ (с.а.в.) нақл қиладими ёки бошқаларми, «ҳадиси қудсий» бўлаверади⁷.

Ушбу таърифга асосланган, юқорида келтирилган ҳамда қудсийлиги инкор қилинган ривоятлар ҳам ҳадиси қудсийга айланади. Демак, атаманинг таърифи борасида ихтилофлар мавжуд.

Бу борада Муҳаммад Мутаваллий Шаъровийнинг таърифини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Унинг таърифига кўра, «ҳадиси қудсий» Расулulloҳ (с.а.в.)нинг Роббисидан нақл қилган ҳамда Қуръон кўриниши, назми, эъжозиди каби бўлмаган, балки ҳадиси набавийлар билан назм ва услубда ўхшаҳ бўлган ривоятлардир⁸.

Юқоридаги таърифларни умумлаштириб, «ҳадиси қудсий»ни Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан Аллоҳга нисбат бериб айтилган хабарлар, деб таърифлаш мумкин.

Ҳадиси қудсийлар суннат доирасига кирувчи қисмдан бўлганлиги учун, унинг манбаси ҳадиси набавий китоблари ҳисобланади. Ҳадиси қудсийлар асосан «саҳиҳ», «сунан», «муснад» ва «муъжам» каби тўпламларда келган.

Ҳадиси қудсийларнинг сони бўйича олимларнинг фикри бир-биридан фарқланади. Бу улар атамага берган таърифларига боғлиқ. Али Жума уларнинг умумий сони 1500 атрофида, ундан 200 таси саҳиҳ, эканини айтган. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳам қудсий ҳадислар сонини 200 та атрофида⁹, деган. Баъзи уламолар қудсий ҳадисларнинг умумий сонини 1000 дан ортиқ, шундан саҳиҳлари 200 дан камроқ, дейишса, баъзилар эса 200 дан кўпроқ дейдилар. Бундай хилма-хиллик ҳадиснинг саҳиҳ бўлишига боғлиқ шартлар билан боғлиқ.

Ҳадиси қудсийлар, асосан, иймон, ихлос, ибодат, илм, баъзи сураларнинг фазилатлари, зоҳидлик, турли зикрлар, гўзал одоблар, ёмон ахлоқлар, охирзамон, инсониятнинг яратилиши, мўъжизалар, шафоат, жаннат ва дўзах каби мавзуларда бўлади. Уларда фарз, вожиб, ҳалол-ҳаром каби фикҳий ҳукмлар жуда кам учрайди.

⁵ Шайх Нуриддин Холиқназар. Раббоний нидолар. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2023. – Б.14.

⁶ Имом Бухорий .Ал-Жоми' ас-саҳиҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1991. – Б. 157.

⁷ Закариё Амирот. Ал-Аҳодис ал-қудсия ас-саҳиҳа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 4.

⁸ Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий. Ал-Аҳодис ал-қудсия. – Қоҳира: Дор ар-равза, 2002. – Б. 5.

⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталахул ҳадис. – Тошкент: Ҳилол Нашр, 2021. – Б. 336.



Хукмлар ҳақида келган қудсий ҳадисларда масаланинг фикҳий томони эмас, балки амалларга тарғиб ёки қайтариқ услуги кўзга ташланади.

Ҳадиси қудсийларнинг мустақил шарҳи ҳақидаги китоблар борасида гап кетганда, набавий ҳадислар шарҳига оид китобларнинг ёзилиш тарихига қисқача назар ташлаш ўринлидир. Зеро, дастлаб ҳадиси қудсийлар ҳадиси набавийлар билан бир тўпламда, ёнма-ён келтирилаверган. Ҳадисларни ёзиб олиш ва уларни китоб шаклига келтириш анча эрта бошланган бўлиб, бу амалиёт ҳижрий II асрга тўғри келади. Ҳадисларнинг ҳижрий II асрдан бошлаб тадвин ва тасниф қилина бошлагани маълум. Айниқса, III асрда тасниф жараёни ўзининг энг юксак чўққисига чиқиб, мукамал илмий асарлар яратилди. Бу даврда ҳадисларнинг катта қисми китобларга жамланган эди. Кейинги бир аср ичида бунга яна қўшимчалар киритилди ва натижада ҳадисларнинг деярли барчаси тўлиқ тўпламлар ҳолига келди.

Ҳадислар умумий равишда тўпланган ушбу асарларида қудсий ҳадислар ҳам тарқоқ ҳолда учрайди. Қудсий ҳадислар VI асрга келиб алоҳида китоблар жамлана бошлади.

Ҳадиси қудсийлар ҳақида ёзилган энг машҳур китоблар орасида Абулқосим Зоҳир ибн Тоҳир ибн Муҳаммад Шаҳомий Найсобурийнинг «ал-Аҳодис ал-илоҳия» китоби энг машҳури ҳисобланади. Ушбу китоб қудсий ҳадислар жамланган биринчи китоб ҳам ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тарихда ҳадиси қудсийларни мустақил шарҳлаш амалиёти набавий ҳадислар шарҳидан анча кейин бошланган.

Бу борада амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти тўплам характерида эга бўлиб, уларнинг орасида шарҳлар кам учрайди.

Қудсий ҳадислар жамланган манбаларни уч тоифага ажратиш мумкин:

1. Умумий тўпламлар – қудсий ҳадисларни жамлаган асарлар.
2. Қирқ қудсий ҳадисни ўз ичига олган тўпламлар.
3. Алоҳида бир қудсий ҳадиснинг шарҳи сифатида ёзилган асарлар.

1) Умумий тўпламлар. Имом Ғаззолий (ваф. 505/1111)нинг «Китоб ал-мавоиз фи ал-аҳодис ал-қудсия» асари ушбу тоифага мансуб энг муҳим манбалардан ҳисобланади¹⁰. Ушбу асарда ҳадислар «ал-мавъиза» сарлавҳаси остида келтирилган. Рисолада жами 39 та мавъиза мавжуд бўлиб, ундаги ҳадислар «*قال الله تعالى*» ибораси билан бошланган. Ушбу китоб тасаввуфий ва ахлоқий мавзуларга асосланган бўлиб, илоҳий манбалардан келган маънавий панд-насиҳатларни ўз ичига олади. Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда 39 та ҳадиси қудсий келтирилган бўлиб, ушбу ҳадислар ахлоқий ва руҳий камолотга оид мавзуларга йўналтирилган¹¹. Ундаги ҳадиси қудсийлар қуйидаги мавзуларни қамраб олади:

Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати ҳақидаги насихатлар.

Тавба ва истиғфорнинг фазилатлари.

Тақво ва ихлос ҳақида тавсиялар.

Дунё ва охиратнинг нисбати.

Солиҳ амаллар ва жазоларнинг таъсири.

¹⁰ Ҳаяти Йилмаз. Ҳадис илминде қудсӣ ҳадислер ве бу конуда япилан салисмалар. –Туркия, 1992 . – Б.16.

¹¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Китоб ал-мавоиз фи ал-аҳодис ал-қудсия. – Қоҳира: Дор ал-мисрийя ал-лубнония, 1988. –Б.86



Бу мавзулар тасаввуфий ахлоқий тарбия ва руҳий камолотга йўналтирилган бўлиб, Имом Ғаззолий ушбу ҳадисларни изоҳлаш орқали мусулмонларни ахлоқий поклик ва маънавий камолот сари етаклашни мақсад қилган.

Ибн Арабийнинг «Мишкот ал-анвор фи мо рувия ʻаниллаҳ мин ал-ахбор» асари ҳам ушбу туркумга мансуб¹². Бу асарда жами 101 та ҳадис жамланган бўлиб, у уч қисмга бўлинган:

Биринчи қисмда – 40 та ҳадис бўлиб, муаллифга санадлари билан етиб келган ривоятлар келтирилади.

Иккинчи қисм да ҳам 40 та ҳадис бўлиб, улар «хабар» сарлавҳаси остида санадсиз, фақат қайси китобдан олингани тўғрисидаги қиёс билан келтирилган.

Учинчи қисм – 21 та ҳадис бўлиб, ҳадислар санадсиз қайд қилинган фақат уларнинг манбасига ишора қилган.

Ибн Арабий «Аллоҳ яғонадир ва у ягонани яхши кўради» деган ҳадиси шарифга таянган ҳолда, умумий ҳадислар сонини 101 тага етказганини таъкидлаган.

Ибн Балобоннинг «Ал-мақосид ас-сания фи ал аҳодис ал илоҳия»¹³ асари ҳам ҳадиси қудсийлар жамланган манба ҳисобланади. Ушбу асарда 100 та ҳадиси қудсий жамланган бўлиб, улар ўнталик гуруҳлар шаклида таснифланган. Аммо ҳар бир бўлимдаги ҳадислар ўртасида тематик боғлиқлик йўқлиги, бу бўлиниш фақат тартиб ва тизимлиликни таъминлаш учун қилинганлигини кўрсатади.

Асарда ҳадисларнинг санад занжирлари ва эшитиш йўллари тўлиқ тафсилотлари билан келтирилган бўлиб, изоҳ сифатида қисқа шарҳлар ҳам қўшилган. Биринчи тўққиз бўлимдан фарқли равишда, ўнинчи бўлим охирида ҳикоя ва шеърлардан кўра, хулафои рошидин ва ашараи мубашшара ҳақида ривоятлар берилган. Шунингдек, ушбу бўлимда Расулуллоҳнинг (с.а.в) сийрати ва вафоти ҳақида ҳам маълумот мавжуд.

Абдуррауф Муновийнинг (ваф. 1031/1621) «ал-Итҳофот ас-сания би ал-аҳодис ал-қудсийя» асари ҳам қудсий ҳадисларни жамлаган манбалардан ҳисобланади. У икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Расулуллоҳ (с.а.в.) «*قال الله*» ибораси билан ривоят қилган ҳадиси қудсийлар жамланган. Иккинчи бўлим эса, ушбу ибора билан бошланмаган, аммо таркибида Аллоҳнинг сўзлари бўлган ривоятлардан ташкил топган. Асарда Бухорий, Муслим, Ибн Шоҳин (в. 385/995), Абу Нуайм (в. 430/1038), Дайлабий (в. 509/1115), Ибн Асокир (в. 571/1175) каби муҳаддисларнинг асарларидан келтирилган 272 та ҳадиси қудсий жамланган.

Ҳадислар Аллоҳнинг сифатлари, ибодатлар ва уларнинг фазилатлари, тавба ва мағфират, ахлоқ ва тасаввуфий мавзулар, қиёмат ва охират, Аллоҳнинг бандалар билан муносабати масалаларига боғлиқ. Ушбу мавзулар асарнинг асосий қисмини ташкил қилади ва унда ҳадиси қудсийларнинг тасаввуфий ва ахлоқий жиҳатлари алоҳида эътибор билан ёритилган.

¹²Муҳиддин ибн Арабий. Мишкот ал-анвор фи мо рувия ʻаниллаҳ мин ал-ахбор. – Ҳалаб: Матбаа ал-илмийя, 1927–.Б.75

¹³Абулқосим Али ибн Балбан.ал Мақодид ас-санийя фи ал аҳодис ал илоҳийя. –Байрут:Дор ибн Касир,1988. – Б.609



Шунингдек, Муҳаммад ибн Ҳасан Омилийнинг (вафоти 1073/1662) «ал-Жавоҳир ас-санийя фи ал-аҳодисил ал-қудсийя» асари ҳам мавжуд бўлиб, унда Исна ашария мазҳабини ҳимоя қилувчи ривоятлар жамланган.

Муҳаммад Маданийнинг (вафоти 1200/1785) «ал-Итҳофот ас-сания би ал-аҳодис ал-қудсийя» номли асари қудсий ҳадислар бўйича муҳим тўплам ҳисобланади. Асарнинг катта қисми Суютийнинг «Жам' ал-жавоми'» китобидан олинган бўлиб, унда жами 864 та ҳадис жамланган.

2) Қирқ қудсий ҳадисни ўз ичига олган тўпламлар. Шаъбон Муҳаммад Исмоилнинг «Ал-аҳодис ал-қудсийя ва манзилатуҳу фи ат-ташриъ ал-исломий» асари қудсий ҳадислар бўйича олиб борилган тадқиқотлар орасида ажралиб туради. Ушбу асарда муаллиф ҳадисларни йиғиш ва шарҳлаш билан чекланмайди, балки мустақил равишда ёзилган ягона илмий иш ҳисобланади. Асар қудсий ҳадисларнинг фикҳий ҳукмларга далил бўлиши мумкинлиги мавзусини батафсил ёритилади.

Муаллиф китобини узун муқаддима билан бошлайди. Унда Қуръон билан бир қаторда суннат ҳам шарият манбаи эканлиги далиллар билан тушунтирилади. Суннатнинг уч тури — қавлий (сўз билан баён қилинган), феълий (амалий), тақририй (сукут билан тасдиқланган) мисоллар билан тушунтирилган. Сўнгра қудсий ҳадислар қавлий суннатга кириши таъкидланган¹⁴.

Асар икки асосий қисмга бўлинган:

1. Биринчи қисмда ҳадисларнинг шариятдаги ўрни ва ҳуқуқий далил сифатидаги аҳамияти муҳокама қилинган.
2. Иккинчи қисмда эса қудсий ҳадислар келтирилиб, уларнинг фикҳий ҳукмларга далил бўлиши тафсилотлари баён этилган.

Исомиддин Сабобатининг «Жоми' ал-аҳодис ал-қудсийя» асари қудсий ҳадислар бўйича энг кенг қамровли ва замонавий тадқиқотлардан биридир. Муаллиф муқаддимадан сўнг қисқача усул илмига оид маълумотларни келтириб, унда қудсий ҳадисларнинг Қуръон ва набавий ҳадислар билан фарқларини батафсил ёритган. Уч жилддан иборат ушбу асарда 1150 қудсий ҳадис китоб ва боблар асосида тартибланган¹⁵.

Ҳар бир ҳадис санади ва манбаси билан келтирилган.

Ҳадиснинг саҳиҳлиги белгиланган, даражаси аниқ бўлмаганлари эса очиқ қолдирилган. Изоҳлар қисмида санаддаги ровийлар ёки матндаги нодир сўзларга шарҳ берилган.

Ҳадисларнинг тўғрилигини текширишда 63 ҳадис китоби ҳамда Табарий, Қуртубий ва Ибн Касир тафсирлари асосий манбалар сифатида фойдаланилган.

Китоб мавжуд бўлиб, бу ундан фойдаланишни қулайлаштирган мукамал мавзули фикҳристи келтирилган. Ҳадисларнинг алифбо тартибида келтирилган бошланиш қисмлари мавжуд бўлиб, бу ҳар қандай қудсий ҳадиснинг жойлашувини топишни ва у ҳақда маълумот олишни осонлаштиради.

¹⁴ Шаъбан Муҳаммад Исмоил. Ал-аҳодис ал-қудсийя ва манзилатуҳу фит ташри' ал-исломи. – Қоҳира; Мактабат ал-Манар ал-Исламийя. 1993–Б.6

¹⁵ Шаъбан Муҳаммад Исмоил. Ал-аҳодис ал-қудсийя ва манзилатуҳу фит ташри' ал-исломи – Қоҳира; Мактабат ал-Манар ал-Исламийя. 1993. –Б.6



Муаллиф бу асаридан кейин «Саҳиҳ ал-аҳодис ал-қудсийя» номли яна бир асар ёзган бўлиб, унда фақат саҳиҳ ва ҳасан даражадаги қудсий ҳадислар жамланган. Бу китоб ҳам мавзули тарзда тартибланган бўлиб, ҳар бир ҳадисга қисқача шарҳ берилган.

Абдуррауф Мунавийнинг (вафоти: 1031/1621) «ал-Матолиб ал-алийя фи ал-адийя ал-зоҳийя ал-муҳтатама би ал-аҳодис ал-қудсийя» асари. Ушбу асар етти бўлимдан иборат бўлиб, қудсий ҳадислар билан яқунланадиган махсус бўлим (матлаб) билан тугайди.

Муҳаддис Таййиб Окич асарнинг номини «ал-Матолиб ал-алийя фи ал-адийя ал-заҳийя ал-итихоба бил-аҳодис ал-қудсийя» деб қайд этган.

Бу номдаги «ал-мунтахаба» сўзи асарнинг барча ҳадислари қудсий экани ҳақида нотўғри тасаввур уйғотган. Асл нусхада эса «ал-муҳтатама» шаклида бўлиб, бу «қудсий ҳадислар билан тугайдиган» деган маънони англатади.

Асарнинг мазмуни ҳам охирги бўлимгина қудсий ҳадислар билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

Ушбу асар дуолар ва қудсий ҳадисларни жамлаган муҳим манбалардан бири бўлиб, Мунавийнинг бошқа асарлари каби ҳадис илми учун катта аҳамиятга эга¹⁶.

Бир ҳадиси қудсий шарҳига оид асарлар.

Исмоил Ҳаққи Бурсавий (ваф. 1137/1724)нинг – «Kenzi mahfi» асари тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган «Мен яширин хазина эдим, билинмоқни истадим ва шу сабабли махлуқотни яратдим...» ҳадисининг турк тилида ёзилган шарҳидир.

Сунингдек Ҳофиз Абу Муҳаммад Абдулғаний Мақдисий Жамоилийнинг «Арбаин мин каломи роббил оламин» китобини, Ҳофиз Абул Ҳасан Али ибн Муфаззал Лахмий Мақдисийнинг «Арбаин ал-илоҳия» китобини, Ҳофиз Абу Муҳаммад Абдулғаний Мақдисий Жамоилийнинг «Китабу мишкотил анвор фима ярвиҳи аниллаҳи субҳанаху минал ахбор» китобини, Абулқосим Али ибн Балабон Мақдисийнинг «Ал-мақосид сания фи аҳодисил илоҳия» китобини келтирсак бўлади. Абдурахмон ибн Даби' Шайбонийнинг «Ал-аҳодис ал-қудсийя» китобида санадларсиз 80 та қудсий ҳадис ўрин олган. Доктор Юсуф Сиддиқ таҳқиқи билан ушбу китоб нашрдан чиққан¹⁷.

Аллома Мулла Али Қорийнинг энг машҳур асари «Китаб ал-аҳодис ал-қудсийя ал-арбаиния» асари ҳадиси қудсийларга бағишланган бўлиб, унда 40 та ҳадиси қудсий тўпланган. Китобнинг тўлиқ номи «ал-Аҳодис ал-қудсийя ал-арбаъин» бўлиб, «қирқта қудусий ҳадислар китоби» деган маънони англатади¹⁸.

Шайх Муҳаммад Аввома томонидан ёзилган «Мин сиҳоҳ ал-аҳодис ал-қудсия: миати ҳадис қудсий маа шарҳиҳо» асари ҳадиси қудсийлар тўплами бўлиб, унда 100 та саҳиҳ ҳадиси қудсий жамланган ва шарҳланган. Ушбу асар нафақат ҳадис илмига қизиқадиганлар, балки исломий тарбия ва тасаввуф билан шуғулланувчилар учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Шайх Муҳаммад Аввома ушбу китобида 100 та саҳиҳ ҳадиси қудсийни жамлаб, уларнинг ҳар бирига муфассал шарҳ берган.

Хулоса

¹⁶ Исмоил Ҳаққи Бурсавий. Кенз-и маҳфи. Қоҳира, – Миср: Мактабат ал-Сақафа ал-Динийя. 2005–Б.17

¹⁷ Исмоил Ҳаққи Бурсавий. Кенз-и маҳфи. – Қоҳира: Мактаба ал-сақафа ад-диния, 2005–Б.17

¹⁸ Ҳаяти Йилмаз. Ҳадис илминде кудсӣ ҳадислер ве бу конуда япилан салисмалар. – Туркия: 1992. – Б.27.



Ҳадиси қудсий — ислом таълимотида ўзига хос мақомга эга бўлган манба бўлиб, унинг таърифи, мазмуни, ривоят қилиш усули, Қуръон ва ҳадиси набавийдан фарқли жиҳатлари алоҳида аҳамият билан ўрганилади. Мақолада келтирилган таҳлиллардан маълум бўладики, ҳадиси қудсийнинг лафзи Расулуллоҳ (с.а.в.)га, маъноси эса Аллоҳ таолога мансуб бўлиши уни Қуръони каримдан фарқловчи асосий жиҳат ҳисобланади. Шунингдек, у шариатда ибодат асоси эмас, балки ахлоқий-маънавий тарбия воситаси сифатида қаралади.

Ҳадиси қудсийларнинг таърифида турли муҳаддислар ва тадқиқотчилар ўртасидаги ихтилофлар бу соҳанинг методологик мураккаблигини намоён этади. Шунга биноан, ҳадиси қудсийларнинг сони, уларни жамлаган китоблар ҳажми ҳам бир биридан фарқланади. Мақолада ушбу ихтилофлар қиёсий таҳлил қилиниб, маънодан келиб чиқувчи умумий таъриф таклиф этилди. Шу билан бирга, қудсий ҳадисларнинг асосий мавзуси — илоҳий раҳмат, тавба, тавозеъ, зикр, ибодат, жаннат ва дўзах каби масалаларга бағишлангани ҳам таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳадиси қудсийлар нафақат ҳадис илмлари, балки ислом ахлоқи, тасаввуф ва маънавий тарбия соҳалари учун ҳам бой маънавий мерос манбаидир. Уларнинг илмий ўрганилиши ислом дунёқараши, илоҳий ва инсон муносабатларини англашда муҳим ўрин тутаяди.

References:

1. Абулқосим Али ибн Балбан. *Ал-Мақодид ас-санийя фи ал-аҳодис ал-илоҳийя*. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1988. – Б. 609.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. *Китоб ал-мавоиъз фи ал-аҳодис ал-қудсия*. – Қоҳира: Дор ал-Мисрийя ал-Лубнония, 1988. – Б. 86.
3. Имом Бухорий. *Ал-Адаб ал-муфрад*. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 86.
4. Имом Бухорий. *Ал-Жомий ас-саҳиҳ*. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1991. – Б. 157.
5. Исмоил Ҳаққи Бурсавий. *Кенз-и маҳфи*. – Қоҳира: Мактаба ас-Сақофа ад-Динийя, 2005. – Б. 17.
6. Закариё Амирот. *Ал-Аҳодис ал-қудсия ас-саҳиҳа*. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-Илмия, 1997. – Б. 4.
7. Муҳаммад Аввома. *Мин сиҳоҳ ал-аҳодис ал-қудсийя*. – Жидда: Дор ал-Қалам ли ас-Сақофа ал-Инсонийя, 1997. – Б. 7.
8. Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий. *Ал-Аҳодис ал-қудсия*. – Қоҳира: Дор ар-Равза, 2002. – Б. 5.
9. Муҳиддин ибн Арабий. *Мишкот ал-анвор фи мо рувия ғаниллоҳ мин ал-ахбор*. – Ҳалаб: Матбаа ал-Илмийя, 1927. – Б. 75.
10. Раҳматуллоҳ қори Обидов. *Суннат, ҳадис ва муҳаддис*. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 4.
11. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. *Мусталаҳул ҳадис*. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2021. – Б. 235, 336.
12. Шайх Нуриддин Холиқназар. *Раббоний нидолар*. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2023. – Б. 4, 14, 20, 21.



13. Шаъбан Муҳаммад Исмоил. *Ал-аҳодис ал-қудсийя ва манзилатуху фит таширӣ ал-Исломи*. – Қоҳира: Мактабат ал-Манар ал-Исломиёя, 1993. – Б. 6.
14. Hayati Yilmaz. *Hadis ilminde kudsiy hadisler ve bu konuda yapilan calishmalar*. – Turkiya, 1992. – Б. 16, 27.